

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2023 йил февраль ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб,

Раислик қилувчи Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси – П.Джўраевнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчи Б.Муллажонов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Х.Абдуназарова иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан Муллажонов Бобир Ғайратжон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2302/27-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Муллажонов Бобир Ғайратжон ўғли, 1993 йил 4 январь куни Фарғона туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2022 йил 7 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 25, 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 28, 211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг олтмиш баравари миқдоридан 18.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима суммаси тўлиқ тўланган, Фарғона тумани, Вазиё МФЙ, Ташаббус кўчаси, 24-уйда яшайди, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 30 декабрь куни почта орқали олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Муллажонов фирибгарлик, яъни ўзганинг ўзганинг кўп миқдордаги мулкни алдаш йўли билан қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.

Яъни у, 2022 йил май ойида Фарғона тумани, Юқори арча МФЙ, Қизилқўрғон кўчаси, 79-уйда яшовчи Н.Ҳамроқуловни Корея давлатига ишга кетмоқчи бўлиб юрганидан таниши Ж.Мўминов орқали хабар топиб, Н.Ҳамроқуловни алдаб, ундан пул маблағлари олиш илинжида, унга ёлғондан Корея давлатига юбориш қўлидан келишини айтиб, Н.Ҳамроқуловдан жами 8.500 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари 11165.92 сўм) 94.902.500 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи Б.Муллажонов судда, айбига иқроп бўлиб, у 2022 йил май ойининг ўрталарида таниши Ж.Мўминов унга қўнғироқ қилиб, Кореяга бораман деган таниши борлигини, унга у ёққа бориши йўл-йўриқ кўрсатишини сўраганини, у ёрдам беришини айтиб, Ж.Мўминовга таниши Н.Ҳамроқулов



билан бирга ўзлари билан 3.000 АҚШ доллари олиб, Тошкент шаҳрига келишларини сўраганини, лекин, улар у айтган вақтда етиб кела олишмаганини, шу орада у шахсий ишлари билан Андижон вилоятига бориб, уларни Андижон вилоятига чақириб, улар билан Андижон вилояти, Асака туманидаги “Асака шевралет” заводи олдида кўришишганини, шунда Н.Ҳамроқуловдан уни Корея давлатига ишга юбориш учун 10.000 АҚШ доллари бўлишини айтиб, ундан дастлаб 3.000 АҚШ долларини беришини айтганида, у ундан 2.500 АҚШ доллари олиб, 500 АҚШ долларини эса Ж.Мўминов ундан қарз бериб туришини айтгани учун, унга бериб турганини, шу куни Ж.Мўминов Фарғона вилоятига қайтиб кетиб, у Н.Ҳамроқулов билан Андижон вилоятида қолишиб, эртаси куни Тошкент шаҳрига кетишганини, у ерда Н.Ҳамроқуловни Давлат хизматлари марказига олиб кириб, Корея давлатига кетиш учун кетадиган ҳужжатларни тўғрилашига йўл-йўриқ кўрсатиб, унга керакли ҳужжатлар тайёр бўлса икки ойда ишга кетишини айтганини, кейин у билан 7 кун Тошкент шаҳрида бўлишганини, 2022 йил июн ойининг ўрталарида у Чимён қишлоғига Ж.Мўминовнинг олдида борганида, Н.Ҳамроқулов уни шу ердалигини билиб, уларнинг олдида келганини, у шу куни Чимён марказида Н.Ҳамроқуловдан қолган пулларни сўраганида, у унга автомашинасини сотиб беришини айтганини, кейин орадан бир неча кун ўтиб Н.Ҳамроқуловга қўнғироқ қилиб, уни Тошкент шаҳрига ундан қолган 5.500 АҚШ долларини олиш учун чақирганини, шундан сўнг, Н.Ҳамроқулов Тошкент шаҳрига келиб унга 5.500 АҚШ доллари бериб, ундан жами бўлиб 8.500 АҚШ доллари олиб, у Н.Ҳамроқулов билан бир ҳафта Тошкент шаҳрида юриб, кейин у уйига қайтиб кетганини, 2022 йил йил сентябрь ойининг бошларида Н.Ҳамроқулов унга Корея давлатига кетиш бўлмаётганлигини айтиб, у айтган вақт келганини айтиб, пулларини қайтаришини сўраганида, у 1.900 АҚШ долларини такси орқали Н.Ҳамроқуловга жўнатиб юборганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда жабрланувчи Н.Ҳамроқуловга етказилган моддий зарарни қолган қисмини ҳам тўлиқ қопланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Н.Ҳамроқулов судда, у Корея давлатига ишлаш учун кетишга ҳужжатлар тайёрлаб юрганида таниши Ж.Мўминовни учратиб қолиб, унга бу ҳақда айтганида, Ж.Мўминов унга бир таниши айнан шундай иш билан шуғулланаётганлигини айтиб, унинг ёнида унга қўнғироқ қилиб, у билан ушбу масалада хусусида гаплашганида, у шахс, кейин билишича Б.Муллажонов Корея давлатига кетиш учун 10.000 АҚШ доллари керак бўлишини, 45 кунда Корея давлатига юборишини айтганини, шундан сўнг, у холасини қизи Р.Ҳакимовадан 10.000 АҚШ доллари олиб, Ж.Мўминовнинг учрашиб, унга ушбу пулларни кўрсатиб, ушбу 10.000 АҚШ долларини яна қайтариб қариндошига қайтариб берганини, орада Ж.Мўминов унга Б.Муллажонов 10.000 АҚШ доллари сўраётганини, шу билан Корея давлатига кетишини, олдиндан Б.Муллажоновга ҳужжат ишлари учун 3.000 АҚШ доллари беришини айтганини, шунда у Ж.Мўминовга агар, иш ўхшамаса ушбу 3.000 АҚШ долларини Б.Муллажоновдан бирга олишини айтганини, бу орада Б.Муллажонов уни ва Ж.Мўминовни Тошкент шаҳрига чақирган вақтида, у тоғаси А.Ҳакимовдан қарзга олган 1.000 АҚШ доллари ва отаси Й.Суярқулов унга Россия давлатидан почта орқали жўнатган 2.000 АҚШ доллари, жами 3.000 АҚШ долларини олиб, 2022 йил 17 май куни Ж.Мўминов билан бирга



Тошкент шаҳрига бориб, у ерда Б.Муллажонов билан кўришмоқчи бўлганларида, Б.Муллажонов уларга Асака шаҳрида эканлигини айтганини, кейин улар 2022 йил 18 май куни Андижон вилояти, Асака шаҳрига кетаётганларида, Ж.Мўминов унинг кўлидан жами 3.000 АҚШ долларини олиб, унинг ўзи бу пулларни Б.Муллажоновга беришини айтганини, кейин у Б.Муллажоновга ушбу 3.000 АҚШ долларини бериб, унинг ўзи мазкур ҳолатни видеотасвирга олганини, Ж.Мўминов Б.Муллажоновдан ушбу 3000 АҚШ долларида 500 АҚШ долларини қарз сўраб олиб қайтганини, у эса Б.Муллажонов унга 45 кун давомида у билан бирга юришини, 45 кун ичида унинг ишлари ҳал бўлиб, Корея давлатига кетишини айтганлиги сабабли, у билан Андижон вилоятида қолишиб, эртаси куни Б.Муллажонов билан бирга Тошкент шаҳрига бориб, 2022 йил 1 июнь кунига қадар, у билан бирга меҳмонхонада туриб, орада уйига келганида, унга Ж.Мўминов кўнғироқ қилиб, Б.Муллажонов келаётганлигини, у билан кўришмоқчи эканлигини айтганини, кейин у Б.Муллажонов билан Чимён марказида кўришганларида, Б.Муллажонов унинг уйида турган “Нексия 2” русумли автомашинасини кўриб, унга ушбу автомашинасини сотиб қолган пулларни унга беришини айтганини, кейин у автомашинасини 5.400 АҚШ долларига сотиб, ушбу пулларни ҳам Тошкент шаҳрига бориб, Б.Муллажоновнинг ўзига берганини, лекин, орадан вақт ўтса ҳам ҳеч қандай натижа бўлмаганлигини, кейин у Ж.Мўминовга кўнғироқ қилиб, у билан гаплашганида, Ж.Мўминов унга Б.Муллажонов уни ҳам алдаганлигини у Б.Муллажоновдан олган 500 АҚШ доллари пулларни ҳам унга берганлигини, Б.Муллажонов билан уни Корея давлатига ишга юбориш масаласини гаплашганлигини, лекин, ҳеч қандай натижа бўлмаётганлигини айтганини, бу орада отаси унга берган 2.000 АҚШ долларини қарзга олгани сабабли, Россия давлатида ундан ҳам ушбу қарзни сўраганликлари учун, у Б.Муллажоновдан мазкур 2.000 АҚШ долларини сўраганлигини, бу орада Б.Муллажонов уни Корея давлатига юбормаганидан сўнг, Б.Муллажонов унга ушбу 1.900 АҚШ долларини такси орқали чиқариб юборганлигини, сўнг Б.Муллажонов унга қолган пулларини бермасдан ҳар-хил баҳоналар қилиб юрганини, орада у унга пулларини олиб кетаётганлигини айтган бўлсада, лекин, ушбу қолган пулларини унга қайтариб бермаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда унга етказилган моддий зарар судланувчи Б.Муллажонов томонидан тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Шунингдек судланувчи Б.Муллажоновнинг айби: гувоҳ Ж.Мўминовнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви билан (42-44 и.в.) ҳам тасдиқланган.

Суд, судланувчи Б.Муллажоновнинг жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Муллажоновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни



янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти тааллуқли бўлиши мумкинлиги;

8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади”-деб, кўрсатилган.

Иш хужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Б.Муллажонов фирибгарлик, яъни ўзганинг ўзганинг кўп миқдордаги мулкни алдаш йўли билан қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

- яъни у, 2022 йил май ойида Фарғона тумани, Юқори арча МФЙ, Қизилқўрғон кўчаси, 79-уйда яшовчи Н.Ҳамроқуловни Корея давлатига ишга кетмоқчи бўлиб юрганидан таниши Ж.Мўминов орқали хабар топиб, Н.Ҳамроқуловни алдаб, ундан пул маблағлари олиш илинжида, унга ёлғондан Корея давлатига юбориш қўлидан келишини айтиб, Н.Ҳамроқуловдан жами 8.500 АҚШ доллари (*1 АҚШ доллари 11165.92 сўм*) 94.902.500 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 35-сонли қарорининг 26-бандида “ЖК 168-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади”-деб, раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Олий суд Пленуми қарорида кўрсатилган тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Б.Муллажоновга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, мазкур жиноятни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2022 йил 7 декабрдаги



ҳукмига қадар содир этганлигини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Муллажонов Бобир Ғайратжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Муллажонов Бобир Ғайратжон ўғлига:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида 27.000.000 (йигирма етти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Муллажонов Бобир Ғайратжон ўғлига нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Холиқов

нусхаси аслига тўғри:

